

Жорий таъмирлашга оид шартнома.

Лот № 2210012080764 06.05.2022й

2022 й. «18» 5

2022-107-7-102-ОВ-
сон

Пахтаки тумани.

“Рубин Кармана” МЧЖ кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритилади ўзининг Низоми асосида раҳбари С.Фармонов номидан, бир томондан Пахтаки тумани Ободонлаштириш бошкармаси кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади ўзининг Низоми асосида иш юритувчи раҳбари А.Шерматов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича «Бажарувчи» «Буюртмачи» нинг буюртмасига ва тузилган лойиха смета хужжатларига асоссан Пахтаки тумани Зарафшон МФЙ Бахор кўчаси йулини ($L=950$ м) жорий таъмирлаш ишлари (кейинги ўринларда - «Ишлар» деб юритилади) ишларини бажариш, «Буюртмачи» ушбу «Ишлар» ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. «Ишлар» нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми хисобланган иловада келтирилади.

№	Ишнинг номи	Бошланғич Нархи	Шартноманинг умумий Қиймати (битим суммаси)
1	Пахтаки тумани Зарафшон МФЙ Бахор кўчаси йулини ($L=950$ м) жорий таъмирлаш ишлари	487 804 787	463 407 283
	Жами (ҚҚС билан)		463 407 283

1.2. Шартноманинг умумий суммаси ҚҚС билан 463 407 283 (Турт юз олтмиш уч миллион турт юз етти минг икки юз саксон уч) сўмни ташкил этади.

1.3. Ишни бошлаш ва топшириш муддати: **Бошланиши: “13” май 2022 й.**

Тугаши: “31” май 2022 й.

2. ТОМОНЛАРНИНГХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. «Буюртмачи» нинг хукуклари:

2.1.1. «Бажарувчи» дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошка норматив хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. «Бажарувчи» дан «Ишлар» «Буюртмачи» нинг хисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. «Бажарувчи» дан мазкур шартномага мувофиқ, бажариладиган «Ишлар» ни нуксон далолатномасига мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган «Ишлар» кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган «Ишлар» кўрсатилган тақдирда ўз таънишига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган «Ишлар» шунга ўхшап «Ишлар» билан алмаштирилишини;

- «Ишлар» нинг камчиликлари белуп бартараф этилишини ёки камчиликлар «Буюртмачи» ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини «Бажарувчи» дан талаб қилиш.

2.2. «Буюртмачи» нинг мажбуриятлари:

2.2.1. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган «Ишлар» ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.3. «Бажарувчи» қўйидаги хукуқларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган «Ишлар» учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги конун хужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил хисоб қилинишини «Буюртмачи» дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган «Ишлар» ни қабул килиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини «Буюртмачи» дан талаб қилиш.

2.4. «Бажарувчи» қўйидагиларга мажбур:

2.4.1. «Буюртмачи» га «Ишлар» ни мазкур шартномага мувофиқ ёки «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва микдорда кўрсатиш;

2.4.2. Агар «Ишлар» ни бажариш жараёнида «Бажарувчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, «Буюртмачи» нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 15 кун муддатда текин таъмирлаб бериш.

3. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси ҚҚС билан 463 407 283 (Турт юз олтмиш уч миллион турт юз етти минг икки юз саксон уч) сўм бюджет маблаглари (опен бюджет) хисобидан копланади. Бажариладиган «Ишлар» нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

- 3.2. Күрсатилган «Ишлар» учун пул күчириш йўли билан накд пулсиз тартибда хисоб-китоб қилинади.
- 3.3. Бажариладиган «Ишлар» учун олдиндан тўлов микдори 30% ни ташкил киласди, қолган 70% бажариладиган «Ишлар» 30 кун ичида қабул килиш-топшириш далолатномаси, хисоб-фактура ва в.б. асосида тўланади.

4. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул килинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб хисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгarterишига йўл қўйилмайди, конун хужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. «Ишлар» қабул килиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана хисобланади.

4.4. «Буюртмачи» муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган «Ишлар»ни қабул килишни рад этишга ҳақлидир.

4.5. Назарда тутилган хажмдан ортиқча бир номда «Ишлар» кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган «Ишлар» ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган «Ишлар»нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай «Ишлар» «Буюртмачи»нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.6. Бажарилган «Ишлар» бевосита «Буюртмачи»нинг маъсул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада бажарилган «Ишлар» хажми, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган «Ишлар» кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки «Буюртмачи»нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва хажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнода амалга оширилади. Ушбу мақсадларда «Бажарувчи» Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманома «Ишлар»нинг тегишли кисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул килишда «Бажарувчи»нинг ходими «Буюртмачи»да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул килингандиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. «Буюртмачи» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд «Ишлар»нинг тегишли кисмларини кўрсатиш санасини ўзгarterишига ҳақлидир, бу ҳақда «Бажарувчи»ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор киласди.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Бажарилаётган «Ишлар» сифати, хажми «Бажарувчи» томонидан нотўгри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўгри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда «Бажарувчи» бажарилаётган «Ишлар»нинг сифатини, шунингдек уларнинг хажмини хисобга олган ҳолда кайта хисоб-китоб қиласди, хисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташкари буюртмачига нотўгри хисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи микдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар бажарилган «Ишлар»нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айборд томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган «Ишлар» кийматининг 20 фоизи микдорида жарима тўлайди.

5.3. «Ишлар» кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун «Бажарувчи» «Буюртмачи»га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган «Ишлар»нинг 25 фоизи микдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, «Бажарувчи» «Буюртмачи»га «Ишлар» бажарилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. Ишлар бажариш кечикирилган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда «Бажарувчи» «Буюртмачи»га кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умуний суммаси бажарилмаган «Ишлар» кийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва «Ишлар» бажариш муддати кечикирилиши ёки тўлиқ бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланисидан озод этмайди.

5.5. Бажарилган «Ишлар» учун ўз вактида ҳақ тўланмаганда «Буюртмачи» «Бажарувчи»га муддати кечикирилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида маҳсус хисобракамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. «Буюртмачи» томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун «Буюртмачи»ни жавобгарликка тортиппа шунингдек унинг хатти-харакатлари (харакатсизлиги) «Буюртмачи» томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган «Бажарувчи»нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. «Бажарувчи»нинг айби билан контрактация шартномасининг «Буюртмачи» томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда «Бажарувчи» томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фукаролик қонунчиллиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар маҳсулотлар нарихи юкори деб топилган тақдирда уртадаги фарқ «Ишлар» бажарувчи томонида қопланади

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Тарафлар ихтиёрига боғлик бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир. Бундай ҳолатлар жумласига эпидемиялар, табиий оғатлар, харбий харакатлар киради.

6.2. Тегишли савдо палатаси ёки бошқа ваколатли орган томонидан берилган гувоҳнома енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва амал қилишининг давомийлигини тасдиқлаш учун етарли ҳужжатдир.

6.3. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга таъсири ҳакида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим.

6.4. Агар енгиб бўлмас куч ҳолатлари узлуксиз 6 ой давомида амал қилиб турса ва яқин муддат ичидаги бекор қилиниши эҳтимоли бўлмаса, мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташабbusи билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

7. КОРРУПЦИЯГА КАРШИ ТАЛАБЛАР

7.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга карши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб колмасдан, барча амалдаги конун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

7.2. “Буюртмачи” “Бажарувчи”га мазкур шартнома доирасида қўйидагиларни кафолатлайди ва қўйидаги мажбуриятларни хам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида харакат қилиб, “Бажарувчи”нинг коррупция қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига катъий риоя килади.

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан тақдирда, томонлар коидага кура мустакил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини курадилар.

Келишмовчилик ва Низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга хаклидир.

9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1 Шартнома 2022-йил «___» майдан 2022-йил «31» декабргача амалда бўлади.

9.2 Томонлар уртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган, хисоб-китоб тулиқ тутгалланган тақдирда тухтатилади.

10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишида бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

10.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил килинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳакиқий хисобланади.

10.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

10.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

Бажарувчи:

“Рубин Кармана” МЧЖ

Манзили: Навоий ш.Гулистон кургони-3

Богишамол МФЙ 512 уй

Телефон: 99891 – 334 – 80 -85

Хисоб-китоб рақами

20 208 000 504 782 260 001

СТИР 301 209 820 МФО 00401

Банк: Тошкент ш. Алокабанк бош офиси.

Рахбар:

М.У

С.Фармонов

Буюртмачи:

Пахтачи тумани Ободонлаштириши

бошкармаси

Манзили: Пахтачи тумани М.Улугбек

МФЙ, М.Улугбек кучаси-12 уй

Хисоб-китоб рақами

401722860182307045204110005

СТИР 200770249 МФО 00014

Банк;Марказий банк Тошкент ш.ХКМ

Газначилик х/р 23402000300100001010

СТИР 201122919 МФО 00014

Рахбар А.Шерматов

М.У



Юридик шахсларни рўйхатдан утказиш түгрисида

ГУВОҲНОМА

Реестридаги тартиб саками № 00661

№ 00661

2009 й. 4 Июн

Мазкур гувоҳнома Кармана тумани **«RUBIN-KARMANA»**
масъулияти чекланган жамият булган юридик шахсга берилди.

Гашалий хукукий шакли: 1152

Мулкчилик шакли: 142

Почта манзили
171234567
172254567

Юридик шахснинг коди : 22725407

Гармок коди : 15272

Золик туловчининг индентификация раками 301209820



Ш.Умиров



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
SAMARQAND VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI
PAXTACHI TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI**

2022 yil 17 may

Ziyovuddin sh.

**Xo'jalik shartmomasi yuzasidan yuridik ekspertiza
XULOSAsi**

Paxtachi tuman Obodonlashtirish boshqarmasi bilan "Rubin Karmana" MCHJ korxonasi o'rtaсидаги pudrat shartnomasini ko'rib chiqilganda qo'ydagilar

A N I Q L A N D I :

Paxtachi tuman tuman Obodonlashtirish boshqarmasi bilan "Rubin Karmana" MCHJ korxonasi o'rtaсидаги 463 407 283 so'mlik pudrat shartnomasini loyihasi O'z.Res.si "Davlat xaridlari to'g'risida"gi qonun talablariga riousha qilingan holda tayyorlangan. O'zbekiston Respublikasi "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar shartnomoviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi qonuni talablariga mos ravishda ishlab chiqilgan. Qonunning 10- 15-24-32 moddalarida ko'rsatib utilgan bandlar tuliq o'z aksini topgan. Mazkur xo'jalik shartnomasining loyihasi, shartnomada predmitini, etkazib beriladigan tovarning miqdori, sifati, va bahosini, shartnomaning bajarilishi mudatlarini, hisob-kitob qilish tartibini, taraflarning majburiyatlarini, majburiyatlar bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligini, nizolarni hal etish tartibini, shartnomada tuzilgan sana va joyini, shuninigdek qonunchilikda belgilangan tartibda yoki taraflarning birining arizasiga ko'ra o'zaro kelishuvga erishish lozim bo'lgan boshqa muhim shartlarni nazarga olgan. Shartnomada hisob-kitib tartibi ham qonunchilikka mos ravishda belgilangan, oldindan tulov masalasi ham qonunchilikda belgilanganidan kam bo'lмаган miqdorda ko'rsatilgan.

X u l o s a :

Paxtachi tuman Obodonlashtirish boshqarmasi bilan "Rubin Karmana" MCHJ korxonasi o'rtaсидаги 463 407 283 so'mlik pudrat shartnomasini loyhasi amaldagi qonunlar talablariga mos ravishda ishlab chiqilgan. Yuqorida ko'rsatilgan normativ xujjatlar talablariga javob beradi.

Paxtachi tumani yuridik hizmat
ko'rsatish markazi
bosh yuriskonsui'ti:



A.S. Pattayev.